



ИОРДАНИЯ БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль куни Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар ва муҳожирлар масалалари бўйича вазири Айман Ҳусайн Сафадий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Сухбат аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайннинг самимий саломи ва тилакларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Иордания ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган йили Самарқандда олий даражада ўтган сермахсул музокаралар икки

томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очгани мамнуният билан қайд этилди.

Эришилган келишувлар доирасида жорий йилда парламентлараро дўстлик гуруҳлари тузилди, Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг илк йиғилиши ўтказилиб, Ишбилармонлар кенгаши таъсис қилинди, шунингдек, ҳаво қатновлари йўлга қўйилди.

Келгусида сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль куни телефон орқали мулоқотда Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоевни таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва узоқ умр тилади.

Давлатимиз раҳбари Нурсултон Назарбоевнинг замонавий Қозоғистоннинг барпо этилиши, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни илгари суриш ҳамда Ўзбекистон — Қозоғистон

стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустақкамлашга қўшган улкан ҳиссасини алоҳида эътироф этди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги мустақкам дўстлик, яхши қўшничилик

ва ўзаро кўмак ришталарига асосланган кўп қиррали ҳамкорликнинг бугун юқори суръатда ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

ЎЗА

ЧЎЛЛАНИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ШАҲАРСОЗЛИКДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР КУЧАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев чўлланишга қарши курашиш ва чўл иқтисодиётини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарларда “яшил шаҳар” тамойилларини жорий этиш юзасидан тақлифлар тақдироти билан танишди.

Иқлим ўзгариши, сув танқислиги, ерларнинг таназзулга учраши ва чўлланиш бугун бутун минтақа учун долзарб экологик муаммога айланмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги барқарорлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига бевосята таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудининг қарийб 80 фоизи чўл ва ярим чўл майдонларидан иборат. Ерларнинг шўрланиши, қум кўчиши, чанг бўронлари ва гарм-селлар, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари, шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларининг

айрим туманларида жиддий хавф туғдирмоқда.

Орол денгизининг қуриши мазкур жараёни янада кучайтирган. Қуриган тубда Оролқум чўли шаклланиб, ҳавога кўтарилаятган туз ва чанг кенг ҳудудларга тарқалмоқда.

► Давоми 2-бетда

НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИНИ КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев нефть-газ тармоғида навбатдаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг бориши юзасидан ахборот билан танишди.

2026-2027 йиллар куз-қиш мавсумида аҳоли, ижтимоий соҳа объектлари ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Табиий ва суолтирилган газ етказиб бериш,

магистрал ва ҳудудий газ тармоқларини таъмирлаш, ёқилги захираларини шакллантириш ҳамда авария-тиклаш бригадаларининг шайлигини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Табиий газ таъминоти тизимини мавсумга тайёрлаш ишларига алоҳида

эътибор қаратилди. Жумладан, мавсумга-ча магистрал газ қувуруларининг 53,7 километр нуқсонли қисмини алмаштириш, компрессор станцияларидаги 77 та газ ҳайдаш агрегатини мукамал таъмирлаш режалаштирилган.

► Давоми 2-бетда

Янги лойиҳа

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ШИДДАТЛИ ЭВРИЛИШ ВА РЕАЛ НАТИЖАЛАР МАНЗИЛИ

“Янги Ўзбекистон” газетасининг ижодий жамоаси водийнинг энг сўлим гўшаларидан бири — Фарғона вилоятида!

Хабарингиз бор, газетамизда “Янги Ўзбекистон: шиддатли эврилиш ва реал натижалар манзили!” номили янги лойиҳани бошлаган эдик. Ушбу лойиҳа билан мамлакатимизда эришилаётган натижалар таҳлили орқали қисқа вақтда қандай катта тарих яратилаётганини очиб беришни мақсад қилгандик.

Ушбу лойиҳада дастлаб Қорақалпоғистон Республикасидаги ўзгаришлар ҳақида бир қанча таҳлилий мақолалар эълон қилинди. Яъни “Янги Ўзбекистон” газетасининг битта сони тўлиқ ушбу ҳудуднинг ўн йиллик тараққиёт йўлига бағишланган эди.

Лойиҳа мақсадига кўра, “Янги Ўзбекистон” газетасининг ижодий жамоаси мамлакатимиз бўйлаб олис қишлоқ ва овуллардаги ўзгаришлар, шаҳарларнинг янгиланган қиёфаси билан яқиндан танишади. Зиёлилар, ёшлар, фаоллар ва оддий инсонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг дил сўзларига қулоқ тутди. Шу асосда реал ҳаётини ҳикоялар орқали ислохотлар кўламини очиб беришга ҳаракат қилади.

Айни мақсадда йўлга чиққан ижодий жамоанинг навбатдаги манзили Фарғона вилояти бўлди. Очiq кўнгил, самимий, ҳунарманд, ишбилармонлар диёри бўлган вилоятта сафаримиз ҳаяжонли таассуротлар ва қувончли воқеаларга бой бўлди. Аввало, халқимизнинг йирик зиёлиларини камол топтирган халқ билан самимий мулоқотдан жуда катта ҳаётини ҳикоятларини ўргандик. Қолаверса, мамлакатимиздаги изчил ислохотларнинг ана шу самимий ва дарёдил инсонлар ҳаётидаги натижасини кўриб кўнгилмиз фахрга тўлди.

Биз қуйидаги ҳақиқатни такрор бўлса-да, эслатмоқчимиз: мамлакатимиз Етакчисининг сиёсий иродаси сабаб қисқа вақтда катта тарих яратилди. Натижада инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислохотлар нафаси олис қишлоқ ва овулларга ҳам кириб борди. Мазкур ўзгаришларни фарғоналиклар ҳам реал вақт режимида, ўз ҳаётлари мисолида кўриб, қувониб яшамоқда экан.

Фарғона аҳлининг фаровон ҳаёти, бутунидан кўнгли тўлиб, эртанги кунга катта режалар билан яшаётганига шохид бўлган қалбимиз илҳомга тўлиб, уни Сиз, азиз ўқувчилар билан ўртоқлашиш мақсадида бир нечта таҳлилий мақолалар уюштирдик. Ана шу қизгин жараёнда англадикки, бу битиклар Фарғонадаги ислохотларнинг ўндан, эҳтимол, юздан бирини очиб беришга қодир экан. Шу боис, лойиҳада имкон қадар кўпроқ йўналиш, соҳани қамраб олишга, улардаги энг муҳим жиҳатларни очиб беришга уриндик.

Умид қиламизки, Фарғона вилоятидаги ўзгаришларга бағишланган бугунги таҳлилий мақолалар орқали ушбу заминдаги ислохотлар кўламини англаб, уларнинг қувончини юракдан ҳис этасиз.

Тахририят

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигига



ВОДИЙ ГАВҲАРИ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ФАРҒОНАЧА ФОРМУЛАСИ

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло БОЗОРОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

Ўтган тарихан қисқа, аммо мазмунан асрларга татиғулик даврда халқимиз “Янги Ўзбекистон” ғояси ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк мақсадлар атрофида жипслашди. Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида, энг аввало, “Инсон қадри учун” деган улуғвор тамойил мужассам бўлиб, унинг амалий ифодасини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида, кундалик турмуш тарзида топмоқда. Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудига борманг, шиддатли бунёдкорлик ва янгиланишларга гувоҳ бўласиз. Айниқса, водий гавҳари бўлмиш Фарғона вилоятида иқтисодий юксалиш, инвестициявий жозибдорлик ва ижтимоий соҳалардаги улкан ўзгаришлар миллий тараққиётимизнинг ёрқин кўзгусига айланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган халқни рози қилиш, тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш ғояси бугун Фарғона замида юқори суръатда янгилашмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги, аҳоли саломатлиги ва ҳудудларнинг иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳамда истиқболдаги устувор вазифалар ҳақида кечди.

— Хайрулло Ҳайитбоевич, Президентимиз жорий йилнинг 27-28 апрель кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида

иқтисодиёт, саноат, экспорт, инвестиция ҳажминини ошириш бўйича кўплаб топшириқлар берди. Уларнинг ижроси қандай амалга оширилаётгани тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи бир қарашда оддий воқеадек кўринади. Чунки Президентимиз жойлардаги ислохотлар, аҳоли турмуш тарзи, бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун барча ҳудудларга бориб туради. Бироқ биз учун Фарғона вилоятига ташрифининг ўрни, аҳамияти ҳар доим ўзгача. Негаки Президентимизнинг

27-28 апрель кунларидан олдинги ташрифи чоғида тилга олинган рақамлар бугунга келиб ҳаётини ҳақиқатга айланди. Янги ташриф вилоят раҳбарияти, масъуллари олдида янада улкан вазифалар қўйди.

Охириги йилларда Фарғона вилоятидаги тизимли ислохотлар ўзининг самараларини кўрсатмоқда. Ер ва қазилма бойликлар чекланган бўлишига қарамай, ҳудудда иқтисодиётни диверсификация қилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва ахборот технологиялари соҳаларида барқарор ўсиш таъминланди. Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида ҳам

сезиларли ўсишга эришилди. Экспорт ҳажми изчил ошди, экспортчи корхоналарнинг сони кўпайди.

Биргина мисол: давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 16 декабрдаги Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қарорига мувофиқ, 2025 йилда Куvasой шаҳрида “Crown Ceramic” қўшма корхонаси ташкил этилди. Йилига 8 миллион квадрат метр керамик гранит плита ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа 1 триллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш, 665 миллион сўмлик қўшилган қиймат яратиш ва 35 миллион долларлик экспортни амалга ошириш имкониятларига эга. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган керамик плиталар сифати ва техник кўрсаткичлари бўйича Италия, Испания ва Хитой маҳсулотлари билан рақобатлаша олади. Жорий йил январь-март ойларида корхона Қирғизистон ва Тожикистонга 400 минг долларлик 80 минг квадрат метр маҳсулот етказиб берди.

► Давоми 3-бетда

Чўлланишга қарши курашиш ва шаҳарсозликда экологик талаблар кучайтирилади

► Бошланиши 1-бетда

Шу боис, Оролбўйида яшил қопламалар барпо этиш, саксовул ва бошқа чўл ўсимликларини экиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Кейинги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ янги ўрмонзорлар ташкил этилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат бўйлаб 1 миллиарддан зиёд дарахт ва бута кўчатлари экилди, кўкаламзорлаштириш даражаси 2020 йилдаги 8 фоиздан 2025 йилда 14,3 фоизга етди.

Тақдимотда 2026-2030 йилларда чўлланишга қарши курашиш ишларини янги босқичга олиб чиқиш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди. Жумладан, 1,27 миллион гектарда ўрмон барпо этиш ва қайта тиклаш, чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларида 16 минг гектар ҳимоя ўрмонзорлари яратиш режалаштирилган.

Сурхондарё вилоятида 10 минг гектар майдонда яшил қопламалар ташкил этиш, Сирдарё вилоятининг чегарадош ҳудудларида 84 километрик “яшил девор” барпо қилиш, тоғ ва тоғолди ҳудудларида “терраса” усулида дарахт ва буталар экиш, деградацияга учраган ерларда замонавий агротехнологияларни синовдан ўтказиш тақлиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари чўл ҳудудларига фақат экологик муаммо сифатида эмас, балки янги иқтисодий имкониятлар манбаи сифатида қараш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда “чўл иқтисодиёти” ёндашувини ривожлантириш, кўрик ва шўрланган ерларда барқарор даромад манбаларини яратиш, чўл ўсимликлари уруғчилиги ва кўчатчилигини йўлга қўйиш, галофит ўсимликлар етиштириш, яйловлар маҳсулдорлигини ошириш, чорвачилик, экологик туризм ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу борада Қорақалпоғистонда чўл ўсимликлари кўчатхоналарини ташкил этиш, Оролнинг қуриган тубида илмий экспедициялар ўтказиш, Боботог ҳудудида замонавий усуллар асосида писта плантацияларини ривожлантириш, галофит боғлар тармоғини кенгайтириш тақлиф этилди. Шунингдек, қургочқиликка чидамли ўсимликлар ва уруғлар бўйича минтақавий банк яратиш, халқаро фондлар ва хусусий инвестицияларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.



“Ўзбекистон Президентини Иорданияда раҳнамолигида улкан тараққиётга эришяётган буюк мамлакатдир. Гўзал Ислом цивилизацияси маркази бизда мамлакатнинг бой тарихи ва бебаҳо меросини акс эттирувчи маърифатпарварлик руҳини янада теран ҳис этиш имконини берди. Иншааллох, ана шу мустақкам пойдевор устида бунёд этилаётган келажак ҳам шундай буюк бўлади.

АЙМАН САФАДИЙ:
“ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ИОРДАНИЯДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРАФИГА ЭГА БЎЛИШНИ ИНТИҚЛИК БИЛАН КУТМОҚДАМИЗ”
Ўзбекистонга ташриф буюрган Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар ва муҳожирлар масалалари бўйича вазири Айман Ҳусайн Сафадий “Дунё” АА муҳбирига интервью берди:

— Мен учун Ўзбекистонда меҳмон бўлиш катта шараф. Бизнинг ташрифимиз ўтган йили Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Ҳусайн Ҳазрати Олийларнинг Ўзбекистонга амалга оширган тарихий ташрифи ҳамда Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари билан ўтказган самарали музокаралари ва сермахсул учрашувларида эришилган натижаларнинг мангитки давомидир.

Мамлакатларимиз биродар давлатлардир. Биз ҳамкорлигининг бой тарихига эгамиз ва келгусида ўзаро манфатли алоқаларимизни янада юксак босқичга олиб чиқиш устида биргаликда ишлятимиз.

Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари раҳнамолигида улкан тараққиётга эришяётган буюк мамлакатдир. Гўзал Ислом цивилизацияси маркази бизда мамлакатнинг бой тарихи ва бебаҳо меросини акс эттирувчи маърифатпарварлик руҳини янада теран ҳис этиш имконини берди. Иншааллох, ана шу мустақкам пойдевор устида бунёд этилаётган келажак ҳам шундай буюк бўлади.

Иордания ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ҳамкорлиқни кенгайтириш йўлида жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Аввал ҳам таъкидлаганимдек,

Подшоҳ Ҳазрати Олийларнинг Ўзбекистонга ташрифи ва Президент Жаноби Олийлари билан ўтказган учрашувлари ҳақиқатан тарихий аҳамиятга эга.

Биз иқтисодиёт, маданият, туризм, муҳофаа ҳамда бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича аниқ йўналишларни белгилаб берувчи “йўл харитаси”ни ишлаб чиқдик. Бугун бу борада сезиларли натижаларни кўряпмиз.

Албатта, яқин келажакда Ўзбекистон Президентини Аммон шаҳрида қабул қилиш шарафига эга бўлишни интиқлик билан кутмоқдамиз. Бўлажак ташриф муносабатларимизда эришилган улкан тараққиётни янада мустақкамлаш ва янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Бизда ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича аниқ тасаввур ва ёндашув мавжуд. Мамлакатларимиз ўртасида алақачон мустақкам ва самарали ҳамкорлик шаклланган, бироқ ҳар икки халқ манфаати йўлида янада кўпроқ ишларни амалга ошириш мумкинлигига ишонамиз.

Шу боис, биз тўғри йўлдами ва келгусида ҳамкорлигимиз янада кенгайишига ишончим комил.

“Дунё” АА

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат бўйлаб 1 миллиарддан зиёд дарахт ва бута кўчатлари экилди, кўкаламзорлаштириш даражаси 2020 йилдаги 8 фоиздан 2025 йилда 14,3 фоизга етди.

Самарқанд шаҳрида махсус экологик-шаҳарсозлик режими жорий этилиб, янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектлар учун “яшил қурилиш” талаблари мажбурий этиб белгиланади. Бунда энергия ва сув тежамкор технологиялардан фойдаланиш, чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш тизимларини жорий этиш, ресурс самарадорлигини ошириш ҳамда экологик талабларга жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга қабул қилмаслик амалиёти йўлга қўйилади.

Транспорт соҳасида Самарқанд шаҳрини экологик тоза ҳаракатланиш моделига ўтказиш назарда тутилган. Бунинг учун 50 та замонавий катта сигимли электробус харид қилиш, чорраҳаларда 150 та янги светофор ўрнатиш, 2030 йилга қадар жамоат транспорти ва такси хизматини тўлиқ электр транспортига ўтказиш чоралари қўйилади. Шу билан бирга, “Park & Ride” тизими жорий этилиб, пиедалар ҳаракати устувор бўлган яшил туристик ҳудудлар ташкил қилинади, шаҳар марказига шахсий автотранспорт кириши босқичма-босқич камайитирилади.

Сув ва “яшил” инфратузилмани ривожлантириш мақсадида Самарқанд шаҳрида камида 4 та, вилоят туманлари марказларида эса камида биттадан сунъий кўл ва сув ҳавзалари ташкил этилади. Самарқанд шаҳрида қўшимча 10 та янги фаввора қурилиб, мавжуд фавворалар инфратузилмаси модернизация қилинади. Шунингдек, умумий узунлиги 319 километр бўлган ариқлар тизими қурилади ва тикланади.

Шаҳар атрофида ҳимоявий “яшил” инфратузилмани шакллантириш мақсадида “Янги катта ҳалқа йўли” бўйлаб узунлиги 102,7 километр, умумий майдони 3532 гектар бўлган “яшил белбоғ” барпо этилади. Ушбу белбоғ чанг ва иссиқ ҳаво оқимларини камайитириш, атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш, шаҳар атрофида табиий ҳимоя зонасини яратиш ҳамда иқлимга мослашув чораларини кучайтиришга қаратилган.

Шаҳарсозлик йўналишида 300 гектар майдонда “Green City Samarkand” ҳудудини ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу ҳудудда турар жой, офис, хизмат кўрсатиш, туризм ва жамоат инфратузилмаси объеклари халқаро “яшил шаҳар” стандартлари асосида барпо этилади.

Саноат объектларининг экологик таъсирини камайитириш учун “яшил саноат зонаси” ҳудудида энг мақбул технологиялар, “Zero Visible Emission” ва рақамли экологик мониторинг тизимлари босқичма-босқич жорий этилади. Мавжуд саноат зоналари атрофида “яшил белбоғ”лар ташкил этилади ҳамда аҳоли соғлиғига жиддий хавф туғдириши мумкин бўлган I ва II тоифага мансуб 8 та саноат корхонасини шаҳар ҳудудидан ташқарига кўчириш чоралари қўйилади.

Чиқиндиларни бошқариш соҳасида “Zero Waste Samarkand” тамойили асосида чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш ва полигонларга юбориладиган ҳажминини камайитириш тизими жорий этилади. Ноконуний чиқинди ташлаш ҳолатларини рақамли хариталаш ва фото-видеофиксация қилиш бўйича ахборот тизими ишга туширилади.

Иқлим сиёсати йўналишида Самарқанд шаҳри учун 2030 ва 2035 йилларга мўлжалланган углерод чиқиндиларини қисқартириш мақсадли кўрсаткичлари ҳамда “Carbon Neutral Samarkand” “йўл харитаси” ишлаб чиқилади. Шунингдек, яшил ва иқлим лойиҳаларини молиялаштириш учун “Green Samarkand Climate Finance Facility” платформаси, натижаларни очиқ эълон қилиш ва мониторингини юритиш учун “Green Samarkand Dashboard” рақамли платформаси ишга туширилади.

Туризм ва биохилма-хиллик йўналишида “Яшил Самарқанд” бренди, “Green Hotels Samarkand” рейтинг тизими, “Samarkand City Biodiversity Index” методологияси, “Urban Biodiversity Samarkand” пилот лойиҳаси ва “Биохилма-хиллиқни асраймиз” кўнгилчилар дастури амалга оширилади. Шу орқали Самарқанд шаҳри экологик туризм, яшил инвестициялар ва барқарор шаҳарсозлик ечимлари марказига айлантирилади.

Умуман, лойиҳа доирасида Самарқандни “Марказий Осиёнинг яшил инвестициялар ва инновациялар пойтахти” сифатида шакллантириш учун ташкилий, молиявий ва амалий асослар яратилади. Президентимиз тақлифларни маъқуллаб, чўлланишга қарши курашиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шаҳарсозликда экологик талабларни кучайтириш ва аҳоли учун соғлом муҳит яратиш масалалари юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА



Халқаро форум

Турли цивилизация ва маданиятлар ўртасидаги мулоқотни мустақкамлаш, диний бағрикенгликни қарор топтириш ҳамда экстремизм ва радикализмга қарши маърифат билан курашиш бугун халқаро ҳамжамият олдидаги устувор вазифага айланган. Бундай шароитда ислом цивилизациясининг илм-фан, маданият ва маънавият тараққиётига кўшган бекиёс ҳиссасини холис илмий асосда тадқиқ этиш, унинг инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб қилиш долзарб аҳамият касб этади.



Шукрулло ЖўРАЕВ,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлим бошлиғи

Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган “Маърифат ва диний бағрикенглик” ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳолалиб, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий ислохотларнинг муҳим ғоявий асосига айланди. Ана шу сиёсатнинг амалий давоми сифатида жорий йил 7-11 июль кунлари Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларида “I Халқаро ислом цивилизацияси форуми: тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифат йўли” анжумани бўлиб ўтади.

Форум Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Дин ишлари бўйича кўмита томонидан ICESCO ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро

исломшунослик академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, IRCICA, WOSCU, TUPKCOI, Туркий маданият ва мерос жамғармаси, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Халқаро туркий академия каби нуфузли халқаро ташкилот ва илмий муассасалар иштирок этади. Бу эса форумнинг нафақат илмий, балки дипломатик ва гуманитар аҳамияти ҳам юқори эканидан дарак.

Анжуманининг бош ғояси ислом цивилизациясининг инсонпарварлик, бағрикенглик, илм-маърифат ва бунёдкорликка асосланган ҳақиқий моҳиятини илмий дашулар асосида очиб беришдан иборат. Шу маънода, мазкур анжуман Ўзбекистоннинг халқаро гуманитар майдондаги ўрнини мустақкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни ривожлантириш ҳамда Марказий Осиёнинг бой маънавий меросини кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Форумда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, мотуридийлик таълимоти ислом тамаддунида ақл ва нақл, имон ва тафаккур, диний қадриятлар ва ҳаёт ҳақиқатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаган илмий мактаб сифатида тан олинган. Бугунги кунда диний мутаассиблар ва радикал ғояларга қарши курашда айнан ушбу бой мероснинг илмий салоҳиятига эътиёб янада ортиб бормоқда.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Имом Мотуридий мероси: ислом цивилизациясининг муътадиллиги ва ақл-идрок пойдевори” мавзусидаги халқаро конференцияда мотуридийлик қалом мактабининг тарихи ва тараққиёти, ақл ва имон муносабати, тинчлик маданияти, динлараро мулоқот, экстремизм ва радикализмга қарши маърифий ёндашув каби долзарб масалалар муҳокама қилинади. Бу муҳокамалар Имом Мотуридий

меросининг нафақат тарихий, балки бугунги глобал жараёнлар учун ҳам амалий аҳамиятга эга эканини яна бир бор намоён этади.

Тадбирнинг икки кунлик пленар йиғилишлари Ислом цивилизацияси марказида ўтказилади. Унда 300 га яқин давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, танитқил уламолар, мутахассислар ҳамда музей, кутубхона ва кўлэзма фондлари раҳбарлари иштирок этади. Муҳокамаларда Ўзбекистондаги диний-маърифий ислохотлар, Учинчи Ренессанс ғоялари, туркий халқларнинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ҳадис, фикҳ ва қалом илмларининг ривожини, ислом цивилизацияси ва замонавий технологиялар ўртасидаги уйғунлик каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Форумнинг кейинги босқичлари Самарқанд ва Термиз шаҳарларида давом этади. Самарқандда Имом Бухорий мероси, Имом Мотуридий таълимоти ҳамда Марказий Осиёнинг жаҳон цивилизацияси ривожидagi ўрнига бағишланган халқаро конференциялар, Термизда эса Термиз ҳадис мактаби ва Имом Термизий меросига бағишланган анжуман ташкил этилади. Бу орқали Мовароуннаҳр илмий мактабларининг ислом цивилизацияси тараққиётдаги ўрни янада кенг ёритилади.


Анжуман доирасида қатор амалий ташаббусларни илгари суриш ҳам режалаштирилган. Жумладан, Ислом цивилизацияси келажигига оид декларация қабул қилиниши, халқаро ҳамкорлиқнинг “йўл харитаси”

ишлаб чиқилиши, доимий фаолият юритувчи халқаро платформани шакллантириш, қўшма таълим ва илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, ёш олимлар учун грант дастурларини йўлга қўйиш, қуруоншунослик ва ҳадисшунослик бўйича халқаро олимпиадалар ташкил этиш каби муҳим ташаббуслар кўзда тутилган.

Мазкур тадбирнинг маданий дастури ҳам унинг ишчи гуруҳи тўлдирди. Иштирокчилар Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий мемориал мажмуаси билан танишди, ноёб кўлэзма ва факсимиле нашрлар халқларнинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ҳадис, фикҳ ва қалом илмларининг ривожини, ислом цивилизацияси ва замонавий технологиялар ўртасидаги уйғунлик каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Форумнинг халқаро ахборот маконидан кенг ёритилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда етакчи хорижий оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, халқаро пресс-турлар, махсус репортажлар ва рақамли медиа лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Энг муҳими, мазкур форум Ўзбекистоннинг бой илмий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш билан бирга мамлакатимизнинг халқаро гуманитар дипломатиядаги ўрнини янада мустақкамлашга хизмат қилади. У Президентимиз ташаббуси билан жорий йилда БМТ ва ЮНЕСКО қароргоҳларида ўтказилиши режалаштирилган халқаро тақдимотлар учун ҳам муҳим интелектуал ва ташкилий пойдевор вазифасини бажаради.



► Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, 881 та маҳалладаги 220 минг хонадоннинг газ таъминотини яхшилаш ва технология йўқотишларини қисқартириш мақсадида уч босқичли тақсимлаш тизимидан икки босқичли тизимга ўтказиш кўзда тутилган. 711,9 километр газ тармоғи ва 400 та газ тақсимлаш пункти мукаммал таъминланади ҳамда реконструкция қилинади.

Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини суיותтирилган газ билан таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Куз-қиш мавсумида 325,7 минг тонна суיותтирилган газ етказиб бериш, шу жумладан, бориш қийин бўлган 229 та қишлоқдаги 104,7 минг истеъмолчига 8,2 минг тонна суיותтирилган газ етказиб белгиланган.

Қиш даври учун ёқилғи захираларини шакллантириш бўйича ҳам чоралар қўйилмоқда. Жумладан, декабрь-январь ойлари учун 120 минг тонна автобензин захирасини яратиш режалаштирилган. Иссиқлик электр станцияларига мавсум давомида 4 миллион 161 минг тонна кўмир етказиб бериш прогноз қилинмоқда.

“Ўзбекнефтгаз” тизимидаги корхоналарда технология барқарорлиқни таъминлаш мақсадида 90 та технология қурилмада таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бу ишлаб чиқариш қувватларининг узлуксиз ишлаши, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларига энергия ресурсларини барқарор етказиб беришга хизмат қилади.

Тайёргарлик ишлари фақат нефть-газ тизими билан чекланмай, умумий энергетика ва коммунал соҳалар билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шу мақсадда республика ва ҳудудий комиссиялар фаолиятини йўлга қўйиб, мавсумга тайёргарлик ишларини мувофиқлаштириш ва доимий назорат қилиб бориш топширилди.

Мутасаддиларга белгиланган чора-тадбирлар ижросини қатъий назорат қилиш, мавсумга тайёргарлик ишларини муддатидан ва сифатли яқунлаш, аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектиларига табиий ва суיותтирилган газ, шунингдек, бошқа ёқилғи ресурсларини барқарор етказиб бериш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

► Бошланиши 1-бетда

— Хайрулло Ҳайитбоевич, мазмунли суҳбат учун сизга кўпдан кўп раҳмат.

Тараққиёт ҳеч қачон ўз-ўзидан келмайди. У жасоратли қарорлар, қатъий ирода ва сазй-ҳаракатлар орқали халқ манфаати устувор қўйилган муҳитдагина кўзга кўринади. Дунё шиддат билан ўзгараётган бүгунги даврда ҳар бир давлатнинг минтақавий ва халқаро миқёсдаги мавқеи аҳоли фаровонлигига қаратилаётган эътибор билан белгиланади. Шу маънода, юртимизда кейинги ўн йилдаги кенг қамровли ислохотлар иқтисодий ўсиш, ижтимоий барқарорлик ва инсон капиталини ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди.

ФАРҒОНА:
ИСЛОҲОТЛАР ШИДДАТИДАГИ 10 ЙИЛ

2023 йил:
қатъий назорат ва барқарорлик йили

Давлатимиз раҳбари 2022 йил май ойида вилоятга ташрифи чоғида “Global textile infinity” кластерининг ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишган эди. Ушанга қўрсатмалар асосида лойиҳа жадаллаштирилиб, декабрда ишга туширилди. Президентимизнинг 2023 йил 2 февраль кунги Фарғона вилоятга ташрифи Қўштепа туманидаги маъмур тўқимачилик корхонасини кўздан кечиришдан бошланди.

Абу Бакир ҲОЗОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Президентимизнинг ҳар бир ҳудуд ва соҳани тараққий эттириш йўлидаги азму шижоати бутун натижасини кўрсатмоқда. Неча йиллардан бери ишсиз ва даромадсиз юрган фуқаролар катта тадбиркорга, яқин 50 йилда на тоза ичимлик сув, на электр энергияси ва на асфальт йўли бўлмаган аҳоли пунктлари обод қўсаларга айланди.

Президентимизнинг ҳар бир ҳудуд ва соҳани тараққий эттириш йўлидаги азму шижоати бутун натижасини кўрсатмоқда. Неча йиллардан бери ишсиз ва даромадсиз юрган фуқаролар катта тадбиркорга, яқин 50 йилда на тоза ичимлик сув, на электр энергияси ва на асфальт йўли бўлмаган аҳоли пунктлари обод қўсаларга айланди.

Янгиланишларнинг адоғи йўқ. Бу ўзгаришларни тизимга солиб, ёрқинроқ кўрсатиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифи ва у ерда берилган топшириқлар ижроси қандай таъминлангани, яқин ўн йилда ушбу ҳудудлардаги ислохотлар динамикаси босқичма-босқич қандай кўриниш олганини йиллар кетма-кетлигида таққослаймиз.

Дастлабки ҳудуд — Фарғона вилояти. Президентимиз ушбу вилоятга неча маротаба ташриф буюргани ва унда берилган топшириқлар ижроси қандай таъминланганини таҳлил қилиш таққослар орқали очиб берамиз.

2016 йил: ўзгаришлар пойдевори қўйилган палла

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев **1 ноябрь кунги Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Шавкат Мирзиёев учрашувда нутқ сўзлади ва сайловдаги дастурда белгиланган асосий йўналишлар ҳақида батафсил тўхтади. Сайловчиларнинг ёрқин келажақ, турмуш даражаси яхшиланиши борасидаги умидлари уйғона бошлади.

2017 йил: одамлар манфаати йўлида

Президентимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида **2017 йил 22 июнь кунги Фарғона вилоятига** ташриф буюрди.

Мамлакатимиз етакчиси дастлаб Фарғона асалчилик ишлаб чиқариш ўқув марказида бўлди. Марказда бир йилда 600 мутахассис ўқитилди. Замонавий ўқув режа асосида олимлар томонидан амалиёт дарслари ўттилади. Эътиборли жиҳати, 2016 йилда вилоятларга 20 минг, чет давлатларга 30 минг дона сифатли асалари пакети етказиб берилган бўлса, 2023 йилга келиб, вилоятда йилга 2 минг тоннадан ортиқ асал маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, қорикта асалари оиласи экспорти эса йилга 70 минг донани ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи давомида Қўштепа туманида чорвачилик комплекси, иппакчилиги ва иппакчиликни ривожлантириш стратегияси билан ҳам танишди. Эркин Воҳидов номидagi Марғилон шаҳри маданият ва истироҳат боғини реконструкция қилиш, Марғилон хунармандлар марказини ташкил этиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Фарғона туманидаги “Миңдонобод агросаноат” агрофирмасига ташриф буюриб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларини кўздан кечирди.

2017 йил 22 июндan Марғилондан Қўқонга илк бор электрпоезд қатнай бошланди. Давлатимиз раҳбари Қўқонга ушбу поездда келди. Қўқон шаҳридаги “Шаффоф метан санает” маъсулятии чекланган жамиятида иқтисодий лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз Қўқон шаҳри театрини бори кўрди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтини Фарғона филиали тажриба хўжалигини ҳам бўлиб, галла ўрими ва гўза парварлигини кўздан кечирди.

Фарғона механика заводига ташрифи чоғида Қўқон, Марғилон ва Андижон шаҳарлари ўртасида электр поезди қатнай бошлашини маълум қилди.

— Илгари Фарғона водийсида электропоезд қатнайди, деса биров ишонмасди. Энди Қўқондан Андижонга бир соатда етиб бориш мумкин. Бу ҳам халқимизнинг узоғини яқин қилиш борасидаги, одамлар манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган ислохотларимиз самарасидир, — деди Шавкат Мирзиёев.

2018 йил: улкан марралар сари катта қадамлар билан

Президентимиз **2018 йил 12 июнь кунги** Фарғона вилоятга ташриф буюриб, дастлаб Кува туманидаги “Фарғона анорчилик” агрофирмаси фаолияти билан танишди.

Шу ерда анорчилик бўйича илмий марказ, Фарғона давлат университетида кафедра ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Вилоятда қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ҳамда инвестиция лойиҳалари ҳам тақдирот қилинди.

Марғилон шаҳридаги “Наримтекс” масъулятии чекланган жамиятида эса тикучив аёллар билан мулоқотда бўлди.

Мамлакатимиз етакчиси 2017 йили вилоятга ташрифи чоғида Марғилон шаҳрида ижодкорлар боғи ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шу асосда бу ерда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Мавжуд истироҳат боғи ҳудуди кенгайтирилиб, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, гулзор ва майсазорлар ташкил этилди. Боғ марказида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ҳайкали ўрнатилди.

Президентимиз маъмур боғини бориб кўрди. Эркин Воҳидов ҳайкали пойига гул қўйди.

Шунингдек, Олтиариқ туманидаги “Исмоил Нозим обод” фермер хўжалиги даласида бўлди. Қалқичой маҳалласидаги “Smart kids” мактабгача таълим ташкилотини бориб кўрди.

Ташрифнинг иккинчи кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Қўчлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмга келди. Ҳаво десантчилари тайёргарлигини ошириб бориш учун аэродинамик тренажёрлар ўрнатиш, “Ватанпарвар” ташкилотлари ҳузурида парашютчилар тўғрақлари очил бўйича топшириқлар берди.

Шундан сўнг Фарғона шаҳридаги Мустақиллик мавзесида барпо этилган кўп қаватли уй-жойларини кўздан кечирди.

2019 йил: ҳар бир соҳа бўйича изланишда, тинимсиз ҳаракатда

Президентимиз **2019 йил 6 май кунги** Фарғона нефтини қайта ишлаш заводига бўлди. Маъмур корхона ўз вақтида водийдаги нефть конларини ўзлаштириш ва минтақа давлатларига нефть маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида бунёд этилган. Давлатимиз раҳбари завод ишчилари ва инвесторлар билан суҳбатлашди.

— Бу ишлардан асосий мақсад — корхонани тўлиқ қувват билан ишлатиш, одамларини иш билан ташминлаш. Бу Фарғона нефтини қайта ишлаш заводининг янги даври бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

— Ҳамама иқтисодий соҳаларда асосий мезон — даромад, — деди Шавкат Мирзиёев Фарғона туманидаги “Комилжон ота Мамажонов” фермер хўжалиги даласида вилоят деҳқонлари билан суҳбатда.

Фарғона шаҳрида вилоят фаоллари, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, нурунийлар, тадбиркорлар иштирокида ўтган йилгишда Президентимиз йилгилангани, бутун халқимизни Рамазон ойи ҳамда яқинлашиб келаётган Хотира ва қадрлаш кунини билан табриклади.

Давлатимиз раҳбари Халқаро хунармандчилик фестивалининг очилиш маросимида иштирок этиш учун **14 сентябрь кунини** яна Фарғона вилоятига борди.

Шу кунини “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида бўлиб, “Шаффоф омадани санает” қўшма корхонаси фаолияти билан танишди, уй-жойлар қурилишига оид лойиҳаларни қайта кўриб чиқиб, Қўқон ва Марғилон шаҳарларини ривожлантириш бўйича беш йиллик режа қилиш зарурлигини таъкидлади.

Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейида вилоят фаоллари, нурунийлар, зиёлилар билан мулоқот қилди.

— Вақт шиддат билан ўтапти. Ҳар бир соҳа бўйича изланишда, тинимсиз ҳаракатда. Ўзгаришлар бор, лекин ҳақи бизни қаноатлантирмайди, — деди Президентимиз.

Халқаро хунармандчилик фестивалининг тантанали очилиш маросимида барчани чин юракдан қўтлаб, нуртимизга, ушбу анжуманга

бўлган катта ҳурмат ва эътибори учун хорижий меҳмонларга ташаккур изҳор этди.

Жаҳон хунармандлар кенгаши томонидан Қўқон шаҳрига “Жаҳон хунармандлари шаҳри” деган юксак унвон берилди.

2020 йил: мақтовларга чек қўйилган йил

Ўзбекистон Президенти **2020 йил 5 июнь кунги** Фарғона вилоятга амалий ташриф билан келди.

Мамлакатимиз етакчиси Қўштепа туманидаги “Турсунов Юсуфжон ери” фермер хўжалиги даласида бўлиб, галла ривожини кўздан кечирди. Дарахт қаторлари орасига саримсоқлиқ ва дук-какли жинлар экиб, бундай боғларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тошлоқ туманидаги “Ўз-Сеганг” қўшма корхонасида иш жараёни билан ҳам танишди. Бу ерга Италия, Туркия, Жанубий Корея ва Хитойдан илгор технологиялар келтириб ўрнатилган.

Фарғона туманида ишга туширилган “Экокерана” МЧЖда бўлган Президентимиз юртимиз фойдали қазилмаларга бойлиги, лекин улар асосида тайёрланадиган материаллар катта миқдорда четдан келтириляётганига эътибор қаратди.

— Шунча имконият бўла туриб, биз кимни божиямиз? Халқимизни боқсак бўлмайми? — дея ҳақли савол қўйди Президентимиз. — Мамлакатимизнинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир



бойлиги аҳоли жон бошига даромадини кўпайтиришга хизмат қилиши керак.

Шу ерда вилоятда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдироти ўтказилди. Давлатимиз раҳбари Марғилондаги Хунармандлар марказини ҳам бориб кўрди.

Ташрифнинг иккинчи кунги Фарғона шаҳрида вилоят ва туманлар ҳокимлари, соҳа ва тармоқлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида йилгилангани бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари халқ билан очикча гаплашиб, муаммоларни биргаликда ҳал этиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида келганини таъкидлади.

— Мен қисқа, сизлар кўпроқ гапирсаларингиз тўғри бўлади. Мақтов керак эмас. Президентга энг катта мақтов бўлиб бўлган — бу халқ ишончи. Келиб, қараск эшитиб кетиш менга эмас. Лекин бундан натижа бўлмайди, — деди Президентимиз.

Йилгиланган сўхлик ёшлар учун водий вилоятларидаги олий таълим муассасаларида 2020/2021 ўқув йилида давлат гранти асосида мақсадли равишда қўшимча 500 та ўрин ажратилиши маълум қилинди.

2021 йил: лойиҳалар амалда бўй кўрсата бошлади

Ўзбекистон Президенти **2021 йил 4 февраль кунги** Фарғона вилоятга келди. Ташриф дастури жуда тизив ва мазмунан бой бўлди. Олтиариқ туманидаги “Файзли боғлар сари” узумчилик кооперациясидаги мулоқотда ер ажратиб бериш орқали Фарғона вилоятда 200 минг ёшининг бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Риштон туманида қурилган Халқаро кулоллик марказини бориб кўрди. Таниқли кулоллар Музаффар Саидов ва Шарофиддин Юсупов хонадонига ҳам кириб, улар билан самимий суҳбатлашди.

Шунингдек, Фарғона туманидаги “Vodiy Shoes” корхонаси иш жараёнини кўздан кечирди. Биринчи босқичда 1 миллион юфт пойабзал ишлаб чиқаришмоқда, 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилган.

Президентимиз **2019 йил 6 майда** Фарғона вилоятда бўлганида тошдан қорғоз ишлаб

чиқариш лойиҳаси тақдирот қилинган эди. Икки йил ўтиб, ушбу лойиҳа Фарғона шаҳрида “Fergana stone paper” корхонаси бўлиб амалга ошди. Ташриф арафасида ушбу корхона синов режимини ишга туширилди.

Шу кунги Фарғона шаҳрида халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Хайрулло Бозоров Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Халқ депутатлари сессиясидан сўнг Президентимиз қутилмаганда Фарғона шаҳридаги Шодинеа маҳалласига борди. Маҳалла оралаб юриб, аҳоли билан учрашди. Шунингдек, Фарғона шаҳри Тарона кўчасида қурилган 16 қаватли янги уй-жойларини ҳам бориб кўрди.

Фарғона мамлакатимизнинг аҳоли энг зич жойлашган шаҳарларидан. Шу боис, бу каби замонавий кўп қаватли уйлар аҳолининг ўсиб бораётган талабни қондиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Мамлакатимиз етакчиси **2021 йил 28 сентябрь кунги** Фарғона вилоятининг Бағдод туманига келди. Туманда ўша вақтлар 218 мингдан зиёд аҳоли яшар, узоқ вақт қурилишга эътибор бўлмагани туфайли одамларнинг уй-жойга эҳтиёжи юқори эди. Давлатимиз раҳбари маҳалладаги янги уйлардан бирига қўйиб келган Абдуқаҳҳор ота ва Ойзода ая хонадонига бўлди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев **28 сентябрь кунги** вилоят сайловчилари билан учрашув ўтказди. Учрашувдан сўнг Бағдод тумани Гулистон маҳалласида бунёд этилган

Маданият марказида санъат намоёндалари билан суҳбатлашди.

Шундан сўнг Президентимиз Қўштепа туманига бориб, гўзани томчилатиб сугориш технологиясини кўздан кечирди. Тумандаги Намуна маҳалласида аҳоли ҳаёти билан танишди. Жумабой Исмоилов хонадонига меҳмон бўлди.

2022 йил: катта сакраш йили

Давлатимиз раҳбари **2022 йил 12 май кунги** Олтиариқ туманига ташриф буюрди. Олтиариқнинг устуворлиги деҳқончиликда, одамларнинг омиликорлигида. Айниқса, Олтиариқ узуми чет элларда ҳам таниқли брендга айланган.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёев Фуқрат туманидаги “Уста Юсуфжон қақшоқ” оилавий корхонаси, Бувайда туманида қурилган меҳебозлик мажмуасини бориб кўрди. Ҳуқуқчи туманидаги Енгил санает ва логистика марказига борди.

Бу мажмуа ҳам Президентимиз ташаббуси натижаси. Давлатимиз раҳбари тўқимачиликда қайта ишлаш даражасини ва маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Бугун бозор бешафқат. Бу рақобатта муносиб бўлиш учун тадбиркорнинг камиди беш йиллик мўлаҳиза, сифат қафолати, таннаҳарда ўзининг резерви бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Марғилон шаҳридаги Наврўз маҳалласи ҳудуди илгари тошлоқ, фойдаланилмайдиган ер эди. Лекин коммуникация ва логистика жиҳатидан жуда қулай. Президентимиз ташаббуси билан у ерда Ёшлар санает ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари ушбу ҳудуд ҳамда Тошлоқ туманидаги “Агро импекс valley” МЧЖ фаолияти билан танишди. Тошлоқ туманида ишлаб чиқариляётган санает ва хунармандлик маҳсулотларини кўздан кечирди.

Шу кунги Президентимиз иштирокида вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича йилгиланган бўлди.

— Биз Фарғонадан катта натижалар кутамиз. Бу эл тарихдан илм, тартиб, маданият, хунармандчилик бўйича намуна бўлган, — деди Президентимиз.

Фарғона шаҳрида очилган касб-хунарға ўқитиш маркази фаолияти билан танишадан



Ташриф давомида Куваой шаҳридаги “Art soft ceramics” корхонаси, Фарғона шаҳридаги “Meridian” тиббиёт маркази, Марғилон шаҳридаги “Олтин иппак қарвонсаройи” туристик марказини ҳам бориб кўрди.

Мамлакатимиз етакчиси аҳоли ҳаёти, ҳудудлар иқтисодиёти билан танишиш мақсадида **2023 йил 27 июль кунини** яна Фарғона вилоятига келди.

2020 йилда “Хайрулло Баҳром Бойматов” фермер хўжалиги томонидан 75 гектарда узумчилик плантацияси ташкил этилган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу тоқзорни кўргани келди. Олдинлари бу майдонда пахта экилиб, ўрғатча 25 центнердан ҳосил олинган. Энди узумининг нархи билан солиштирганда, бир гектардан даромад қарийб 10 баробар ошган.

Давлатимиз раҳбари Бағдод туманидаги Хитой маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуши билан яқиндан танишди. Шу ерлик Абдуғаффор Ҳалилов хонадонига маҳалла вакиллари билан суҳбатлашди.

“Қўқон” эркин иқтисодий зонасида “BNBM Building Materials Central Asia” корхонаси очилди. Президентимиз ушбу корхонани кўздан кечирди.

Ташрифнинг иккинчи кунги давлатимиз раҳбари раислигида ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йилгиланган бўлди. Йилгиланган йўлдаги дислокация тўшуначисидан воз кечилиб, барча йўл-патруль хизмати ходимлари учун маҳаллаларни қамраб олувчи жавобгарлик ҳудуди белгиланган бўлиб, маълум қилинди.

Фарғона шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши яна бир бор кўздан кечирилди.

2024 йил: ўсиш, ривожланиш ва инвесторлар оқими

2024 йил март ойида Қўқон аэропорти янгидан очилган эди. Ўзбекистон Президентининг самолёти **11 июль кунини** илк бор бу ерга қўнди.

Собик Қўқон суперфосфат заводи молиявий соғломлаштириш ва диверсификация қилиш мақсадида 2019 йилда Сингапурнинг “Indogama Holdings BV” компаниясига инвестиция мажбуриятлари билан сотилган эди. Унинг негизда “Indogama Kokand Fertilizers and Chemicals” корхонаси ташкил этилди. Мамлакатимиз етакчиси маъмур корхона фаолияти билан танишди.

Шу кунги вилоятда режалаштирилган янги инвестиция лойиҳалари ҳам тақдирот қилинди.

Шароит ва талабчанлик туфайли бутун барча ҳудудларда иш суръати юқори. Бир корхона ишга тушиб, бошқалари қуриляпти. Айниқса, санает тармоқларида лойиҳалар шунақлик кўпки, ҳаммасига улгуриш қийин. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи чоғида энг муҳим лойиҳаларга тўхталиш аънаъа айланган. Фарғона вилоятда ҳам янги корхоналарни ишга тушириш ва қурилишини бошлаш маросими бўлди.

— Илгари вилоятда 6 та лойиҳа қилиш амри маҳол эди. Бугун 6 миллиард долларлик лойиҳалар ҳақида гапиряптим. Нима учун? Ўсиш, ривожланиш, инвесторларни ишонтириш, шартлар яратиб. Бундай ишларни яна давом эттирамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимиз етакчиси Қўқон университетига яратилган шароитлар билан ҳам танишди, университет ёнидаги Тенақўрғон археология ёдроллигини кўздан кечирди.

Шунингдек, Бағдод туманидаги Юксалиш маҳалласида бўлиб, “Гулнора Матқўлобод бодомлари” корхонаси фаолияти билан танишди.

Марғилон шаҳрида аҳоли зич ашайди. Яқин келажақда бу нуфус ошиб боради. Ёш оилаларга ва келгуси авлодларга муносиб шароит яратиш мақсадида Президентимиз шаҳарда янги массив қуриш гўйсини илгари сурди. Ташриф чоғида бу борда марғилонлик нурунийлар, жамоатчилик вакиллари билан маслаҳатлашди.

Ташриф чоғида Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-хунар мактаби очилди.

Шу кунги Фарғона шаҳрида қуриляётган “Янги Ўзбекистон” массивини бориб кўрди. Массивни экошаҳар дейиш мумкин. Сабаби 70 гектар майдонда Янги Ўзбекистон боғи, сўлим хибонлар, сунъий кўл, тўрт минг ўринли амфитеатр барпо қилинди. Боғ ҳудудига бута ва манзарали дарахтарл экилган. Турли аттракционлар ўрнатилган.

Кува туманида **12 июль кунини** вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан йилгиланган бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Президентимиз “Ўз-Сеганг” қўшма корхонаси боғини кўздан кечирди. Тадбиркорнинг муаммо ва тақлифларини сўради.

2024 йил 3 декабрь кунини пойтахтимизда Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан йилгиланган бўлиб ўтди.

2026 йил: натижалар мўл, қўлам тағдор, аҳоли эса рози

Президентимиз 2026 йил 4 февраль кунини пойтахтимизда Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан йилгиланган бўлиб ўтди.

Йилгиланган Сўх туманида Утам ва Мираки тажрибаси асосида туризм мажмуаларини ташкил этиш, Қўқон шаҳрида 17 та давлат идорасини “Янги Ўзбекистон” массивига қўчириш, вилоят иқтисодиётининг муҳим драйвери сифатида АТ йўналишини жадал ривожлантириш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Президентимиз **2026 йил 9 апрель кунини** Сўх туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан ҳам йилгиланган бўлиб ўтди.

2026 йил 27 апрель кунини эса Фарғона вилоятга ташриф буюриб, Қўқон шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массивидаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Фарғона водийсида Қўқон, Наманган, Андижон ва Марғилон шаҳарларини боғловчи янги электрпоезда Президентимиз жамоатчилик вакиллари билан бирга Қўқон шаҳридан Марғилон шаҳрига келди.

Куваой шаҳридаги “Crown Ceramic” қўшма корхонасида керамогранит плиталар ишлаб чиқариш жараёни ҳамда “Кува агростар” корхонаси фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари “Кува агростар” эришган натижаларни юқори баҳолади, вилоятда 50 минг гектар ер майдонига тажриба тариқасида илгор агротехнологияларга асосланган қишлоқ хўжалиги тизими жорий этилиши белгиланди.

Шунингдек, Кува туманида агроветтаика технологиясини жорий этилган қишлоқ хўжалиги мажмуаси ва “Каркидон” сув омбори ҳудудида барпо этилган янги туризм мажмуасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Бу маскан Фарғона водийсида ёғти дам олиш, экотуризм ва фаол ҳордиқ чиқариш учун энг жозибадор манзиллардан бирига айланиши кутилмоқда.

Тумандаги 1-техникумда ёшларни замонавий касблар ва хорижий тилларга ўқитиш ишлари билан танишди.

Президентимиз Фарғона вилоятининг гавҳари бўлган Марғилон шаҳридаги “Бурҳониддин Марғиновий” илмий-маърифий ва туризм мажмуасида яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, “Нефтчи” болалар футбол академиясига бўлди.

Мажмуада “Отабек ва Қумуш уйи” музейи ҳам ташкил этилган. Унинг деворларида “Ўткан қунарлар” романи сахналари жонлантирилиб, адабиёт ва тарихни уйғунлаштирган ноёб муҳит яратилган. Шунингдек, мақом театри, шoir ва расомлар хибони ҳамда кутубхона ҳам жой олган.

Шу кунини илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Президентимиз иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ташрифнинг иккинчи кунги Фарғона шаҳридаги Инвесторларга хизмат кўрсатиш маркази фаолияти билан танишди ва вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан йилгиланган бўлиб ўтди.

Шунингдек, Фарғона шаҳридаги АТ парк мажмуасида яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, “Нефтчи” болалар футбол академиясига бўлди.

Фарғона халқаро аэропортини ривожлантириш концепцияси тақдироти ўтказилди.

Юқоридегилардан кўйиб турганнингиздек, давлатимиз раҳбарининг бир вилоятга ёки бир соҳага эътиборини битта мақолада қамраб олиш имконсиз. Лекин қисқа сатрларда бўлса ҳам ислохотлар динамикасини кўрсатишга уриниб қўлиб.

Ҳақиқий манзарани билмоқ истасангиз, Фарғонага бориң! Фарғоналиклар билан суҳбатлашинг, уларнинг юзидаги, кўзидаги, ҳаётидаги ўзгаришларни яққол кўрасиз.

СЎҲДА БУГУН ҲАММА НАРСА

Пурвиқор тоғлар, тиниқ булоқлар, жўшқин сойлар, яшилликка бурканган хушманзара табиат қўҳна Сўҳнинг ташриф қоғози. Бу ерда бўлган киши унинг бетакрор табиати, самимий ва тантқи одамларининг иш фаолияти, турмуш тарзи, илму маърифатга меҳридан баҳра олади.

Қадим гўшани бундан етти-саккиз йил аввалги ҳолати билан қиёслаб бўлмайди. Йўллар равон бўляпти, сув, электр таъминотини яхшилаш, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш, тадбиркорлик ва хунаремдликни ривожлантириш борасида йилларга татигулик ишлар амалга оширилди. Утган йилнинг ўзида 14 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди, икки мингга яқин оила камбағалликдан чиқарилди. Кўламин кенг ислохотлар ҳақида кўллаб мисоллар келтириш мумкин. Ҳар куни бир ўзгариш, янгилик бўй кўрсатмоқда, ташаббуслар қулоқ ёзаяпти. Бу бежиз эмас, албатта.

— Президентимиз жорий йил 9 апрель куни Сўҳ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган йиғилиш ҳаёт тарзимида янги имконият эшикларини очди, — дейди туман ҳокими Сайидбаҳром Сайидмузаев. — Яқингача Сўҳда кўп қаватли уйлар қурилади деса, ҳеч ким ишонмаган. Бугунга келиб “Чашма”, “Девайрон”, “Навобод” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудда турар жойларга ҳайрат ва ҳавас билан боқасиз. Ер ости қонларидан фойдаланиш борасида янги лойиҳаларни амалга оширишга киришилди, қишлоқларга саноат кириб бормоқда. Энди хомашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини ошди. “Қалъача” маҳалла фуқаролар йиғини Жавпоя массивдаги травертин қонида пардозбоп тош қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаси амалга ошириляпти. Бу ерда Сўҳ дарёсидан 223 метр балангликка сув чиқарилиб, Жавпояга обихаёт олиб келинади. Сегундига 200 литр сув тортиш қувватига эга 5 та насос станцияси қурилди. Натижада 1000 гектар ер фойдаланишга киритилляпти. Қайроқ массивига ҳам сув олиб чиқилиб, асрлар давомида эътибордан четда қолган қаровсиз ерлар яшилликка бурканди, янги мевали боғлар бўй кўрсатди.

Катта муаммолардан бири — ишсизлик ва камбағаллик. Бугунги кунда камбағаллик даражаси 7,9 фоиз, ишсизлик 5,5 фоизни ташкил этиб, ҳали ҳам республикадаги ўртача даражадан юқори. Утган қисқа вақтда бу йўналишда кўллаб лойиҳаларга кўл урилди. Асосий мақсад аҳоли бандлигини таъминлаш, даромад топишига кўмаклашиш орқали тумани ишсизлик, камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришдир. Шу мақсадда тўғридан тўғри инвестиция ва хорижий кредитларни ўзлаштириш ҳисобига умумий қиймати 62,6 миллион доллар бўлган 29 та лойиҳа амалга оширилди. Хорижий инвесторлар билан мармар қазиб олиш, туризм тармоқлари ташкил этиш, микро ГЭСлар қуриш йўлида истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилляпти.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”сида бир муддат Сўҳда яшагани ҳақида қимматли битиклар қолдирган. Гўзал табиат, меҳмондўст одамлар билан боғлиқ хотиралари бугун ҳам қадр-қимматини йўқотгани йўқ.

Кўшн давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро бори-келди, чегарадан ўтишда яратилган қулайликлар туманда туризмни ривожлантириш орқали сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, эво ва тиббий туризм, хизмат кўрсатиш каби



Шероқ ҚОРАМОВ оғиз суярилар.

соҳаларни ривожлантириш лойиҳалари амалга ошириляпти. Хусусан, Сариканда, Равон ва Истиклол маҳаллалари ҳудудидан ўтувчи Сўҳ дарёси бўйида замонавий туризм объектилари барпо этиш режалаштирилган. Шунингдек, 130 гектар майдонда йирик экокортр мажмуаси қурилиши бошланиш арафасида.

Истиқболли лойиҳалардан бири — “AK-MUS” туризм мажмуасининг умумий майдони 60 гектар. Лойиҳа ташаббускорлари ака-ука тадбиркорлар Аъзамхон ва Валихон Қозиев бўлади. Улар бир неча йил меҳнат мигранти сифатида хорижда ишлаган. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш йўлида яратилган имконият ва имтиёзлар икки ўғлонни бир мақсад йўлида бирилаштирди. Бу ерда умумий қиймати қарийб 100 миллиард сум бўлган замонавий мажмуа қурилиши бошланган.

— Мажмуа нафақат Сўҳ, балки бутун мамлакатимиз умумий туризм салоҳиятини янги босқичга олиб чиқиш мумкин, — дейди тадбиркор Валихон Қозиев. — Барча



куч ва имкониятларимизни ишга солиб, бу ерни жаҳон андозаларига мос обод масканга айлантирамиз. Бунинг учун шароит ва имкониятлар етарли. Айни кунда лойиҳамизнинг илк намуналарини ишга туширдик. Натижалар кутганимиздан ҳам яхши.

Лойиҳа доирасида сунъий қопламали ўйингоҳ, теннис кортлари, картинг ва пейнтбол

майдонлари, ховуз, автотураргоҳ, чанги йўллари, овчилик ҳамда турли дам олиш уйлари қурилиши режалаштирилган. Айни пайтда эса боғлар барпо этиляпти, сунъий шаршара, замонавий дам олиш масканлари, капсуляли уйлар аллақачон меҳмонлар хизматида.

— Бу ерда янги туризм-кўнгилочар дам олиш маскани яратилганини эшитиб, оила

аъзоларимиз билан дам олгани келдик. Салқин ҳаво, кенг далаларда сайр қилишнинг гашти бўлакча, — дейди “Офтобру” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Исмоилддин Исмоилжонов. — Ўн йил аввал Сўҳ туманига мамлакатимиз тараққиётдан узилган ҳудуд сифатида қаралган. Иқтисодий қийинчиликлардан ташқари инфратузилма билан боғлиқ муаммолар силламизни қуритган. Янги давр нафаси сўхликлар ҳаёт тарзида улкан ўзгаришлар ясади. Жумладан, қўшн республика билан орадаги чегарадан ўтиш тизими яхшиланди, сув етиб бормаган, асфальтланмаган кўчалар қолмади ҳисоб. Мана шу дала-дашлар бир кун келиб обод дам олиш масканига айланади деса, ҳеч ким ишонмасди. Бугун ўзимиз гувоҳимиз бунга. Булар сўхликлар ҳаёт тарзини янада яхшилаш йўлидаги ишларнинг дебчаси десам, муболага бўлмайди.

Тоғлар билан туташган қир-адирларда қуриляётган кўнгилочар майдонлар дам олувчилар билан гавжум, файзли. Электр тармоқлари тортиб келинди. Сўҳ туман



Дилшода ЭРГАШЕВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари

Тарихга назар ташляйдиган бўлсак, аёллар эркакларга нисбатан камситилгани, жамиятни бошқариш ишларидан четлатилгани рост. Уларга ожиза, бирор қилдйи ишга қодир бўлмаган инсон сифатида қараб келинган. Асрлар давомида аёллар фақат фарзанд кўриш, парварishiлаш, рўзгор юритиш билан чекланган...

Эсимни таниганимдан телевизорда чиқадиган суҳбатонларга ҳавасим ортган неганди. Лекин отам бу орзуларимга аввалгига жудам қарши бўлганди. Чунки бизнинг қишлоқда қизлар суҳбатдон бўлиш у ёқда турсин, ўқитувчиликка ўқиш ҳам алоҳида ҳодиса эди. 2008 йилда мактабни тугатгидан ва 60 битирувчидан атиги 2 киз олий таълим даргоҳи талабасига айландик. Бугун эса Олтиариқ тумани чекка қишлоқларидан бирида мен ўқиган 28-умумий ўрта таълим

Аёл бахти - ЖАМИЯТ КАМОЛИ

Онам кўёш уйғонмай туриб супур-сидирни бошларди, сигир соғиб, бизга нонушта тайёрлаб, далага ошмак, қайтишида чорва учун бир этак ўт кўтариб келиб, яна ўчок бошига чопарди. Рўзгордаги ҳамма ишга улгурган, барча нарсаларга жавобгар киши онам эди, наздимизда. Ким билсин, “Аёлларнинг жони қирқта” деган маъносиз нақл собиқ тузумнинг “байроғи” бўлгандир балки.

мактабининг 50 фоииздан ортиқ ўқувчиси танлаган йўналишлари бўйича миддй ва халқаро сертификатларни кўлга кирийтиб, муллатидан олдин талабалик мақомига эришмоқда. Уларнинг асосий қисми сингилларим, яъни шу қишлоқнинг оддий физила қизлари экани кўнгилмини тоғ қиладди.

Бугун қишлоқ ва шаҳар аёли деган атамалар анча эскирди ҳисоб. Нега десангиз, айни дамда мамлакатимиз, хусусан, вилоятимиздаги ислохотлар, аввало, ана шу чекка ҳудудларда акс садо бермоқда. Чекка маҳаллаларда ҳам марказдаги баланд бинолар билан беллаша оладиган тадбиркорлик, ўқув марказлари, кўп қаватли шинам уйлар, кўнгилларга завқ бағишляётган масканларни кўриб, шу жойларда юзга кириб юргиси келади одамнинг.

Биласизми, энг аҳамиятлиси бу илм ва ишбилармонлик марказларининг катта қисмида хотин-қизлар раҳбарлик қилаётгани, уларнинг ташаббуси, меҳнати эъзоз топаётганида. Энди мен тугилиб ўсган маҳалланинг қизлари учун ҳам илм олиш, янги лойиҳаларни амалга оширишга ҳамма имконият ҳозир нозир экани бизни беҳад қувонтиради.

Риштоннинг асим далаларида ўсмир қизнинг трактор миниб, деҳқон отаси ёнига киргани маҳаллада дув-дув гап бўлди. Бир сафар бу шаддод қиз катта машинанинг рулини адашиб, айни етилган полизнинг устига ҳайдаб юборганда ҳам отаси аччиқланмади. Чунки унинг ерга шижоати, наботот оламига

отамерос меҳри бор эди. Бу қиз тушмагур уй супуриб, сомса ёпишдан кўра, катта-катта майдонлари шуд-ғорлаб, бугдойга сув тарабини қойиллатар эди. Оилада ўғил фарзанд йўқлиги ва Гулираёно кенжа фарзанд бўлгани учун отасининг жонига қамалган бўлгиси, кўлидан ишини олгиси келарди ва шундай ҳам бўлди.

2017 йилда қишлоқ ҳўжалиги йўналишида олий даргоҳга ўқишга кирди. Бу нуктадон қизнинг илмга ҳамоҳанг отаси обод қилган “Холиков Йўлчибой” фермер ҳўжалигидаги амалиёти ўз ҳосилини бериб, Беруний номидаги давлат стипендияси билан тақдирланди. 2016 йилда Йўлчибой ака ўзининг шарифи билан номланган фермер ҳўжалигини расман Гулираёнога топширди.

— Мен тупроқни, табиатни севдим. Эсимни танганимдан буён далама-дала юриб, отамнинг изидан қолмасдим. Уруғ ерга тушиб, хирмон уйилгунга қадар бўлган машаққат завқи, отамга ўғилдан-да зиёдор фарзанд бўлиш нияти мени тинч қўймас эди. Чексиз далаларга боқиб, юрт отаси олдида сўзга чиқишини, у инсонга айтадиган гапларимни кўнгилдан кўп бор ўтказардим. Лекин бу учрашув узоқ йиллар нарида бўлади деган ҳаёл бор эди менда, — дейди Гулираёно Холикова кўзлари қорлаб.

Ҳа, бу орзулар бепоен кенгликларда қолиб кетмади. Гулираёнонинг меҳнати ва билимдонлиги билан тоғ бўлган хирмонлар рақамларда мамлакатимиз етакчиси назарига тушди. 2023 йилда давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Президентимиз билан учрашди. У “Келажақ бунёдкори” медали билан тақдирланди ва фермерлик фаолиятига ҳамоҳанг тарзда янги бунёд этилган, Ўзбекистон Қаҳрамони Лола

Муротова номидаги қишлоқ ҳўжалиги техникумига раҳбар этиб тайинланди. Бу қишлоқ қизи шунча ютуқлар билан чекланиб қолганига ишонманг: Гулираёно ҳозир қишлоқ ҳўжалиги бўйича ёш олималардан бири, энг муҳими, бир бахтиёр оиланинг бекаси, ширингина қизлоқнинг онаси ҳам. Бугун аёл меҳнати қадр топаётган, хотин-қизларнинг илмга қизқиши кўллаб-қувватланаётган жамиятда ҳадемай Гулираёнонинг исм-шарифи ҳам энг ёш профессорлар қаторидан ўрин олиши шубҳасиз.

*** Фарғонага келган борки, қизларнинг ширин суҳани, сўзидаги талаффуздан шавқи ошиб, Увайсий, Нодираларни эсга олади.

Гўзал Охунова юрагидан ана шу илм ва маърифат нафаси жўш уриб турган физила қизлардан. Қувадаги сўлим қишлоқда шамолнинг жиловини тутган, зуваласи қўшининг тигида пишган.

— Биз қишлоқда саҳарлаб туриб, то мактаб пайтига қадар мол, қўй-эчкиларни далада ўтлаб қайтардик. Бу орада бир этак ўтни елкамизга қўйиб келишга ҳам улгурганмиз. Ўшанда адирлар устига чиқиб шеърлар айтганимда, бир кун шеърларим китобга айланишини орзу қилардим, — дейди шоира қиз.

Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиб ва бутунга қадр кўтлаб шеърый, илмий асарлар муаллифи, айни дамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлган Гўзалой адабиётшунослик йўналишида доврўқ солиб келаётган ёш олималардан. “Қўллов бўлмаса, Қуванинг бир чеккасида тугилган, этагидан учта баласи билан журналистика, адабиёт,

илм йўналишида бўламан деб қасд қилган мен ва мен каби қизларнинг натижага эришиши амри маҳол ас-лида”, дея фикрини шеърга солади шоира.

Бугун юртдошларимиз онгу тафаккури юксалмоқда, эртанги кунга умиди мустаҳкамланиб, яшаш тарзи фаровонлашмоқда. Айниқса хотин-қизларга ҳурмат кўрсатиш, турмушини енгиллаштириш, жамиятнинг фаол ва тўлақонли аъзоси сифатида эмин-эркин яшаш, ташаббусларни кўллаб-қувватлашга эътибор ошди. Улар нафақат оила бахти, балки кундалик ҳаётимизнинг фаол аъзоларига айланди. Буларнинг барчаси инсон қадр-қиммати юксалиб бораётганидан далолат.

Аёл — она, миллат тарбиячиси. Оқила, олимпиа налар улугларини камолга етказиши рост. Бу борада хотин-қизлар ва уларнинг ҳар қайси соҳадаги фаолияти рағбат, эъзоз топиши мамлакат янги буюк рақусларида бўй кўрсатишига хизмат қиладди. Фарғонада бундай ишбилармон, тадбирли, маърифатли опа-сингилларимиз бехисоб. Томирида Тўмарис Курбонжон додхонлар қони жўш уриб турган юртимиз хотин-қизлари ҳамма йўналишларда Ўзбекистон иқтисодига қамарбаста бўлишга шай.

Сўзимни истеъдодли шоира Гўзал Охунованинг ушбу сатрлари билан тугаллашни истардим:

Осмонни тўлдириб, тоғдек келяпман,
Гуриллаб ё гуллаб, бондек келяпман,
Сенга бирор нафим бор деб келяпман,
Ўзбекистон, хизматингни айт менга,
Фарзанд бўлиб бажармоқлик шарт менга.

Юрсам қадамимдан чакмоқ чиқади,
Кўксимдаги ўтлар порлоқ чиқади,
Сен десам, қўлимда байроқ чиқади,
Ўзбекистон, истагингни айт менга,
Фарзанд бўлиб бажармоқлик шарт менга.

Денгиз илнжиде дарёлар тошар,
Қалбда ёшлик деган дунёлар тошар,
Бағринда ор ичган оловлар яшар,
Ўзбекистон, тилигингни айт менга,
Фарзанд бўлиб бажармоқлик шарт менга.

Тўмарисдек ёвкур, оташлигим бор,
Белимда қирқ қилич, қирқ сочилигим бор,
Мустақил Ваганга тенгдошлигим бор,
Ўзбекистон, хизматингни айт менга,
Фарзанд бўлиб бажармоқлик шарт менга.



Очерк

Намозшом. Бизни “Бурхониддин Марғинойий”га олиб бораётган хайдовчининг бир сония бўлса-да, оғзи тинмайди. Йўл бўйи аския қилади, кизик гапларни айтади. Икки йил олдин бу мухташам мажмуа ўрни шўраю янтоқдан бўлак нарса ўсмайдиган бўз ер бўлганини, бир кечада устига бахмал гилам тўшалган-у, фусункор шахарча олиб келиб қўйилганини, энди Марғилонга шунчаки кириб бўлмаслигини айтиб мақтанар, ҳодисаларни бўрттириб сўзлаб бераётганидан ўзи ҳам завқланар эди.

Орифлар сандиги

Уни тинглаб, бир жойда ўқиганим қизиқ воқеа эсимга тушади. Бир куни савдогар кичкина ўғлини отга мингаштириб, ўшдан Қўқонга қараб йўл олади. Марғилоннинг Тақачилик даҳасига етганида “Қани энди отдан тушинг, ўғлим, бу ерларда отда юриб бўлмайди, Марғилонга кириб келяпмиз”, деб боласини даст кўтариб отдан тушириб қўяди. Болакайнинг оёғи қавариб кетади, йиғлайди, хархаша қилади, лекин то Марғилондан чиқиб кетгунича отаси уни отга миндирмайди. Шаҳар қибласидаги бир даҳадан ўтгандан сўнг “Энди отга минмас бўлади, тойчоғим, қани, келин-чи”, деб ўғлини Қўқонга олиб кетади.

Марғилоннинг ўзгача муҳити мана шундай култув заминда камол топган қанчадан қанча ориф зотларнинг, авлодларининг баракоти, ҳаётият шарафати билан шаклланганига тобора ишониб борарканман, бу пайтда шерикларим хайдовчида ҳудудга нега Марғилон номи берилгани, бу сўз нимани англатишини сўради. Зукко одам экан, шартта ўз мулоҳазасини билдирди: “Марғ” — майсазор, ўтлоқ деган маънони англатишини билман, шунда Марғилон — айловзор мазмунини беради, янаям олимлар анигидан хабардор”. Агар бирор ном жой, халқ, аҳолининг фаолияти, тақдир билан боғлиқ равишда юзага келишини ҳисобга олсак, бу фаразда жон бор. Шаҳар Марғилонсой ҳавасидаги кенгликда, унумдор заминда пайдо бўлган.

Марғилон номининг келиб чиқиши маҳаллий халқ орасида шох Искандар номи билан боғлиқлиги тўғрисидаги ривоятлар мавжуд экани ёдимга тушади. Интернетдан электрон шақлини юклаб оламан-у, қўйнида тилла беркитётган одамдек букилиб ўқийман. Исқоқхон Ибратнинг “Ҳазрати Искандар замоналарида ақсоий шарқга борганларида Фаргона ерида бир-икки Фористондан муҳожири бўлиб келиб ўлтирган бечора деҳқон бодиянишинлар бор экан. Подшоҳга арзи аҳвол қилмок бўлиб, пешкаш учун нону туз ўрнига бисотларидаги товукларини пишириб ҳазрати Искандарга тутган эканлар. Анда ҳазрати Искандар савол қилбдурларки, бу нимадур, деб. Анда арз қилгувчилар форсий лафзда жавоб берибдурларки мурғу нон, яъни товук билан нон деганлариди, подшоҳ Искандар арзларинг нимадир, деганлариди: “Арзимиз, бул тургон жойимизни шаҳар қилиб берсангиз”, деганлариди, умаролари ичидан бир бифаросат соҳиб ақл кишини таъйин қилиб, шаҳар қилмокға амр қилгон эканлар. Ул кишининг оти Фаргона баҳадир экан. Ул киши неча йиллар ҳаракат қилиб, ҳар шаҳардан ва ҳар хонадан одам олиб, ўтқузуб, оти “хархона” деб қўюб, “хархона”ни Фаргона ўқуб, пархона, паргона деб ўқуб ва ҳам ул муассис кишини исми кавийроқ бўлиб, Фаргона умумий иқлимга исмдур. Чуночки, мунга далил Марғилонда подшоҳ Искандар деган илд-гоҳ мазор бордур, ул киши тушган ерлардур”.

Бундай маълумотлар, шубҳасиз, ривоят бўлса-да, унда қайд этилган “деҳқон”, “бодиянишин”, “нон” ва “мурғ” каби сўзларда Фаргона водийси, хусусан, Марғилонсой воҳасининг табиати, аҳолисининг тили, ижтимоий ва ҳўжалик ҳаёти умумий манзараси акс топган.

Мовароуннаҳр диёри, жумладан, Фаргона водийсидан етишиб чиққан олимлар ислом оламининг йўлчи юлдузларига айлангани тарихдан маълум. Ислам оламида донг таратган машҳур юртдошларимиздан бири — фикҳ, яъни ислом ҳуқуқшунослиги илмининг энг забардаст алломаларидан “Бурхониддин вал милла” номи ила шарафланган буюк фақиҳ Имом Абулҳасан Бурхониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжамил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинойийдир.



ҚАДИМ КЕНТНИНГ ҲИКМАТ ЖАВОҲИРИ

“Бурхониддин Марғинойий” мажмуасининг меъморий гўзаллиги

Гўри аввал

Уфқ гардишидан бир терак бўйи баландликда муаллақ турган қўёш нурлари мевали дарахтларни бўяган, таңдирдай қиздирган кунда силласи қуриётган шаҳарни кечки олаговур ва жонсараклик тутган, бир қадар салқин шабада эса бошлагани учун кўкда қаддирчоқлар шоденаси авжида. Мажмуани кўришимиз билан бир нарсатга амин бўлдик: не-не бек-тўралар, аллома-ашрафлар, ёқавайрон гадою қаландарлар, аланмок ошик мажнунлар, хунарманд-зи-роатчилар карвони тинмаган бу ҳудуднинг бутун мутлақо ўзгача қиёфа касб этиши шаҳарга тарихий қудратини янги қувватда, янги усулда қайтарибди.

Марғилон, аввало, хунармандлар шаҳри сифатида ҳамда фозил-уламолари номи билан ўтмишда донг чиқарган Фаргона водийси шаҳрининг номидир. Қолаверса, ўрта асрларда ислом ҳуқуқшунослиги ривожига бекиёс ҳисса қўшган Бурхониддин Марғинойийдек буюк алломалар диёри. Марғилон ўз бошидан қора кунларни кечирган даврларда ҳам одамлар унинг улғуворлигини доимо ёлда сақлаган. Шунинг учун бўлса керак, ҳозирги кунларда ҳам халқ орасида унинг номини ёзозловчи ҳар хил ҳўжоялар, улуг шахслар номи билан боғлиқ ривоятлар сақланиб қолган. Марғилоннинг ҳозирги гўзал бог-роғлари, камалак шуъласидек

“ал-Хидоя” асари орқали яққол намоён бўлади. Ҳуқуқ, тил ва адабиёт қўнуларига тўла асосланган ҳолда битилган мазкур асар ўзининг мукамаллиги билан ҳам шухрат қозongan. Бурхониддин Марғинойийни дунёга танитган асар “ал-Хидоя” эканини яхши биланмиз. Бинобарин, “ал-Хидоя” ислом ҳуқуқшунослигининг энг асосий қўланмаларидан. Бу асарда дастлабки фикҳ олимларининг энг йирик асарлариди бош ғоя ва мазмун жамланган. Шу боис, ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу тўғрида ёзар экан “Яна соҳиб Хидоя ким, Имом Абу Ханифа мазҳабиди “Хидоя”дин мўътабарроқ китоби фикҳ кам бўлғай, Фаргонанинг Марғиной отлик вилоятидандур, ул ҳам дохили Мовароуннаҳрдур”, дейди.

— Мен бир марғилонлик сифатида Марғинойий ҳақида камиди уч-тўртта афсона-ривоят биланман, — дейди марғилонлик Пўлат Шерматов. — Буларнинг ҳақиқатга қанчалик яқин экани, очиги, муҳим эмас, гап ушбу улуг зотнинг халқ хотирасида, миллатнинг маънавий қатламиди шу тарзда қолгани. Келинг, энг қизигини айтиб берай.

Ривоятларга кўра, ҳазрат Бурхониддин Марғинойий Гўри аввал маҳалласига биринчи марта дафн этилган. Сабаби у зот сакта (мияга қон югуриб вақтинча беҳуш ётмиш) касали билан оғирган экан. У зотнинг шоғирдлари, ёру биродарлари “Ҳазрат вафот этидилар”, деб ушбу жойга, Марғилон шаҳрининг энг марказий жойига дафн этиди. Бурхониддин Марғинойийни қабрига қўйиб кетаётганларида яқинларидан бири унинг вафот этганини эш итиб,

бўлғач, у зот яна ўзига келган экан. Ўзига келган ҳазрат Бурхониддин: “Мени оламдан ўтди, деб оила аҳлларим, шоғирдларим жанозамни ўқиб, қабрга қўйишибди-да, бугеги энди Оллоҳдан”, дея Кўрьон тиловати билан машғул экан. Унинг тириклигини кўрган шоғирдлари хурсандликдан уввос кўтариб, фарёд қилган экан. Воқеа шу тарзда яхшилик билан ниҳоясига етганидан сўнг улуг зот “Хидоя”ни ёзишда давом этган. Ул зотнинг биринчи нурли қабри шу ерда бўлиши сабабли бу маскан “Гўри аввал” номини олган, дейишади.

Адабий туризм ва Мирзакарим қутидор ҳовлиси

— “Бурхониддин Марғинойий” мажмуаси эртақларда айтилиб, китобларда ёзилган афсонавий шаҳарни ёдга солиди, тўғрими? — дейди “Бурхониддин Марғинойий” илмий-маърифий ва туризм мажмуаси — “Водий гавҳари” туризм дирекцияси директори Шухрат Абдусаломов. — Мажмуанинг асосий йўналишларидан бири, шубҳасиз, буюк аллома Бурхониддин Марғинойийнинг бой илмий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилишдир. Шу билан бирга, ҳудудда қадимий хунармандчиликни асраб-авайлаш, зиёрат туризмининг ривожлантириш ва маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳлар учун янги имкониятлар яратиш кўзда тутилган. Икки босқичда амалга оширилаётган ушбу йирик лойиҳа якунига етгач, у Фаргона водийсининг ҳақиқий “ташриф қўғози”га айланади. Бу эса нафақат Фаргона вилоти, балки бутун мамлакат туризм салохиятини янада юксалтиришга хизмат қилади. Қутидорнинг ҳовлисини кўрдингизми? Фаргона, Марғилон деганда, беҳитиёр “Ўткан кунлар”ни, Отабек ва Кумушни эслаймиз. Мажмуани бунёд этишда шу жиҳат ҳам эътиборга олинган. У ерда “Отабек ва Кумуш уйи” музейи ташкил этилган. Унинг деворларида

“Ўткан кунлар” романи сахналари жонлантирилиб, адабиёт ва тарихни уйғунлаштирган ноёб муҳит яратилган. Бу жуда катта қадам. Расман энди адабий туризмга йўл очилди. Мана, масалан, Италиянинг Верона шаҳрига борган ҳар битта турист Ромео ва Жульеттанинг уйи ҳамда ўша машҳур балқонини кўришга ошмакди. Гарчи бу персонажлар шунчаки адабий сюжет ва гўзал афсона маҳсули бўлса-да, бутун дунё сайёҳлари у ерга чин дилдан ишониб боради, ўша алламбало деворларга эҳтиром кўрсатиб, муҳаббат мактубларини қолдиради. Еки Лондондаги “221Б Бейкер-стрит” манзилини олайлик. Сэр Артур Конан Дойл ўз асарларида яратган Шерлок Холмс бутунлай хаёлий қаҳрамон бўлишга қарамай, бутун ўш қавртирада унинг бетартиқ хонаси, трубкаси ҳамда антиқа скрипкаси аниқ деталаргача жонлантирилган уй-музей фаолият юритмоқда. Миллионлаб инсонлар бу уйни реал тарихий обидедек томоша қилади. Ҳўш, нега энди бизда ҳам шундай уйлар бўлмаслиги керак?!

Ҳар бир миллият равнақи учун ақл-заковат билан бирга шижоату матонат ҳам керак. Бу борада аждодларнинг ибратли ҳаёти, улар қолдирган асарларни билиш жуда муҳим. Чунки тарих улуглар сўзи билан айтганда, “ўтганлар, яшаётганлар ва ҳали туғилмаганлар ўртасидаги иттифоқ”дир.

“Ўткан кунлар” шундай асар. Бу китобда халқнинг муҳим тарихий босқичдаги ахлоқи руҳияси, маънавий-этиқодий қиёфаси ва тахминий келажакга яхлит ҳолда ўз аксини топган. Ушбу ҳовли, Кумуш, қутидор билан боғлиқ жуда қизикларчи воқеалар мавжуд. Масалан, Шеркон Қодирийнинг “Ўткан кунлар”га қайтиб...” мақоласида “қутидор” атамасига эътибор қаратилган. XIX асда Қўқон хонлиги даврида халқдан, бозордан ва бошқа тадбирлардан йиғиб олинадиган солиқ пулларини қутисида



Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

сақлаб, сўнг хон хазинасига топширадиган сарой амалдори қутидор деб аталган.

Бу лавозимда, албатта, бировнинг ҳақиқдан қўрққан, омонатор, ҳалол шахс ишлаган бўлиши керак. Балки асардаги Мирзакарим қутидор тарихий шахс ёки номи ўзгартирилиб, шу лавозимда ишлаган бирор киши бўлиши ҳам мумкин. Унинг ҳақиқатан сарой амалдори бўлганини асар қаҳрамони Ҳасаналининг “Амакингиз сиз (Отабек)ни саройларга ҳам олиб тушар эдилар”, деган сўзидан ҳам билиб оласак бўлади.

Китобда қутидор меҳмон кутиш борасида хотинига бир неча кўрсатма беради ва “Варақи пишириб қўйингиз”, дейди. Ўқувчида “Нега айнан варақи?” деган савол туғилиши табиий. Айтишларича, илгари Марғилонда ҳўрматли меҳмон шарафига, албатта, варақи пиширилиб, дастурхонга тортилар экан. Ҳозир уни “қўқон сомса”, дейишади. Бундан англаш мумкинки, Қодирий бир жой ҳақида ёзганда ўша ерининг урф-одатларини ҳам жуда синчковлик билан ўрганган. Бунинг ёзувчининг “Мен материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсалар (детал)га ҳам аҳамият бераман”, деган таъкидидан ҳам англаш мумкин.

Тенгсиз меъморий гўзаллик. Иморатларнинг ичи ва ташқи ганч ҳамда ёғоч безаклар билан билан зийнатланган, айвонларга туширилган нозик нақшлар турфа жиллаланиб кишини ҳайратга солади. Мирзакарим қутидорнинг ҳовлисига ўтишим билан атрофим ўзгаради. Ажабо, шундоқ рўпарамда кимхоб камзул, сиёҳранг рўмол ўраган тик қоматли хушрўй қиз табассум қилади, мўъжаз меш оғзини боғлайди. Қизки, ўн еттига тўлган ё тўлмаган, сарвдек нозик қадди-бастни бир латиф, ҳаё пардасига ўралган хушбўйим юзи бир тоза, бодом қовоқлари ихотасидаги кўзлари бир охушас. Азалу абад меъмори берган гўзал ҳўсни малоҳати билан нафақат ушбу жойни, балки бутун оламни мунаввар айлаганини билмас эди... Чавандозга ўхшайди. Нарирокда сувлиқ чайнаб депинаётган от шунки бўлса керак. Нақшинкор юганига ҳар турли мунчоқлар, эгар-жабудунига дуру садафлар қадалган, узангиси қумушдан ясалган ушбу от қўш қанотли эканини кейин пайқадим. Ҳа, бу Фаргона “самовий” оти эди. Чавандозлик ҳадисини пухта эггаллаган қиз отта сакраб минади. “Карвондан ортда қолманг!” деб бир ногоҳ ташлайди-ю, кўкка иргилишиб қишнаётган бедови сагрисига қамчи уради, шамол каби елиб кетади...

Тасаввуримда ушбу манзара нақшланиб қолади. Еру кўни сабуҳий мусиқа қамрайди. Давъаткор наво қаламининг уйғонган руҳи ва журъати билан қовушади. Қалам қувватга энади, илхомга етишади, сўнг уни тўхтатиб бўлмай қолади: ҳаммасини борица ёзишга киришаман!



ранг-баранг товланувчи атлас-адраслари, машҳур ҳофизлари қуйилган мутоз наволар унинг узоқ ўтмиш маданиятининг ёрқин тимсоллидир.

Ўрта асрларда “Илм дарахтининг асоси Маккада, аммо ҳосили Хуросонда пишаду” деган нақл машҳур бўлган. Бинобарин, Мовароуннаҳр диёри, жумладан, Фаргона водийсидан етишиб чиққан олимлар ислом оламининг йўлчи юлдузларига айлангани тарихдан маълум. Ислам оламида донг таратган машҳур юртдошларимиздан бири — фикҳ, яъни ислом ҳуқуқшунослиги илмининг энг забардаст алломаларидан “Бурхониддин вал милла” номи ила шарафланган буюк фақиҳ Имом Абулҳасан Бурхониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжамил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинойийдир.

Таъкидланганидек, “соҳиб Хидоя” диний илмларнинг барчасини эггаллаган қомусий олим эди. У ҳуқуқшунос, тарихчи, тилшунос ва адабиётшунослик фанларини мукаммал эггаллаган. Масалан, у “Китоб ул-машойиш” асарида замонасининг машҳур шайхлари тўғрисида ёзар экан, тарихчи олимлар сингари маълумот беради. Қолган соҳаларда унинг истеъдоди

олисан Марғилон сари йўлга чиқди. У етиб келгани заҳоти шоғирдларига қарата:

— Ҳазрат Бурхониддин бир китобни бошлаган эди. Шул китоб ёзилиб битдимми? Шунинг бир кўрсам эди, — дейди. Айтишларича, бу китоб “Хидоя” бўлган. Бурхониддин Марғинойий китобнинг биринчи муқовасида:

— Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм, кимдаким чоршанба куни иш бошласа, ана шу иш битмасдан қолмас, — деб ёзган экан. Савол берган киши мазкур жумларини ўқиб бўлгач, жонхолатда:

— Бу зот ҳали ҳаёт, чунки китоб ярмига борибди. Ҳазратимни қаерга дафн этидиларингиз, деб сўрабди. Шунда шоғирдларидан бири Бурхониддиннинг қабри қаерда эканини айтди. Бирок бу жавобдан қоникмаган ўша киши: Ёзилаётган китоб ва айтилган ҳикматга биноан бул зот ҳали ҳаёт. Қабрга бориб, ҳабар оламиз, — дейди.

Барчаси ортига қайтиб келиб, қабрни очиб қараса, Бурхониддин тирик. Шунда билибдиларки, вақтинчалик беҳушлиқдан фориғ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-746.
29609 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қўғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишлов телефони: (71) 233-56-60

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақфаланди. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Навбатчи муҳаррир: Аслиддин Абдураззоқов
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 01:00 Топширилди — 01:00